

ЭКОЛОГИК ТОЗА ЗАЙТУН МОЙИНИ ЕТИШТИРИШ -ЭНДИ ЎЗИМИЗДА

DOI: <https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/QAXAI/1083>

Ёрматова Дилором Ёрматовна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Экология ва яшил ресурслар кафедраси
муdiri, профессор

Мударисова Райхон

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Экология ва яшил ресурслар кафедраси
доценти

Саидова Шоиста

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Экология ва яшил ресурслар кафедраси
катта ўқитувчиси

Мухаммадиев Жасур

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Экология ва яшил ресурслар кафедраси
ўқитувчиси.

E-mail: soya-oliva@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола республикада би ринчи марта зайтун етиштирилиши ва ундан келажакда экологик мой олиш тзғрисидаги маълумотлар келтирилган. Зайтун экологик тоза ўсимлик мойи берувчи ўсимлик бўлиб, бизнинг жанубий худудларимизда экилган ва бу йил 50 гектар майдонда мева берди, эндиликда кун тартибида турган масала зайтун меваларни нобуд қилмасдан териб олиб уни қайта ишлаб аҳоли эҳтиёжи учун маркетларда энг қимматбаҳо ва таркибида инсон учун фойдали 104 элементни сақлайди.

Калит сўзлар: зайтун, меваси, мой, ҳарорат, субтропик, қўчат.

КИРИШ

Зайтун мойи дунёдаги энг қадимий ва қимматбаҳо мойлардан биридир. Зайтун мойи Ўрта ер денгизи қирғоқларида 4000 йилдан ортиқ вақт давомида етиштирилади ва бутун дунё зайтун мойи ишлаб чиқарилган мойнинг 85 % ни ташкил қилади. Бугунги кунда Испания дунёдаги энг йирик зайтун мойи ишлаб чиқарувчиси бўлиб, чунки унинг худудида экилган зайтун майдонлари 2 миллион гектарни ташкил қилади, ундан кейин Италия, Греция, Тунис ва Португалия давлатлари туради (3). Аҳоли ўз кундалик турмушида барча турдаги овқатларни тайёрлашда фақатгина зайтун мойидан фойдаланишади. Зайтун мойини истеъмол қилувчилар энг узоқ умр кечирувчилар бўлиб уларда- ошқозон-ичак, юрак-қон томирлари касалликлари кам учрайди (2).

Дунёда зайтун мойи ишлаб чиқариш асосан Ўрта ер денгизи минтақасида жойлашган мамлакатлар -Испания, Италия, Тунис, Туркия, Марокаш, Португалия ва Греция энг йирик ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Сўнгги йилларда зайтун мойига талаб ошиб бормоқда, бунга сабаб, зайтун мойининг фойдали хусусиятлари ва соғлом овқатланишнинг оммалашиб бораётгани, кейинги йилларда дунё аҳолисини соғлом турмуш тарзи билан қизиқётганлиги билан боғлиқдир (6)

Зайтун мойини ишлаб чиқариш ҳажми: 2023/2024 қишлоқ хўжалиги йилида дунё бўйлаб 2,4 миллион тонна зайтун мойи ишлаб чиқарилиши кутилмоқда, деб ёзади "Olive Oil Times." "Olive Oil Times" АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг дастлабки маълумотида асосланиб 2022/23 қишлоқ хўжалиги йилига нисбатан 2023/24 йилда мой ишлаб чиқариш 24 фоизга

ошиб, 3,2 миллион тоннани ташкил этади. Бу сўнгги беш йилдаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, 3,14 миллион тоннани ташкил этади (1).

2023 йил апрель ойида дунё бозорида 1 тонна зайтун мойининг нархи \$6269 га етди. Бу 2022 йил апрель ойига нисбатан 46,3 фоизга юқори. Охирги рекорд 1997 йил январь ойида қайд этилган бўлиб, ўшанда 1 тонна нархи 6225 долларни ташкил қилади. Бугунги кун сотилаётган кунгабоқар мойи нархлари қуйидагича бўлиб 1 тонна учун 1240,50 АҚШ доллар бўлса, Ўзбекистон товар-хонашў биржасида январь ойида сотилган пахта ёғининг ўртача нархи 2022 йилда 1 тонна учун 14,9 миллион сўмни ташкил этган деб, маълумот беради, Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирининг собиқ ўринбосари Леонид Холод. Бу мутахасиснинг фикрича-иқтисодий жиҳатдан, бир гектар зайтун плантациясидан йилига 15-17 минг долларлик мева ёки 45-50 минг долларлик қайта ишланган маҳсулот олиш мумкин. Зайтун ишлаб чиқариш, жумладан, фермер хўжаликлари учун фавқулодда истиқболли ва фойдали эканлигини ўз маълумотларида исботлайди (4).

Дунё деҳқончилигида зайтун маҳсулотларни ишлаб чиқариш йиллар давомида ўзгариб туради, айрим мамлакатларда ноқулай об-ҳаво шароитлари ва қурғоқчилик, қаттиқ совуқлар натижасида ишлаб чиқаришнинг ўзгариши маълум бўлади. турли қийинчиликларга қарамасда зайтун янги ҳудудларни эгаллаб турли шароитларга мослашиб бормоқда. Сўнгги йилларда Албания, Хитой ва Эронда ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилмоқда (5).

Асосий қисм. Республикамизда ҳам зайтун майдонлари кенгайиб зайтунлар бизнинг кескин қаттиқлашган иқлим шароитимизга мослашиб бормоқда. 2025 йилда вилоятнинг Бандихон туманидаги М.Мирзаев номи илмий текшириш институтининг тажриба кўрғонида яна 10 гектарлик майдонга зайтун кўчатлари экилди. Бандихон туманидаги тажриба кўрғонида Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги “Боғбон” номи In-vitro лабораториясида етиштирилган зайтун кўчатлари икки йиллик ҳолида мева бермоқда. Қарасангиз кўз қувонади кўчатнинг бўйининг баландлиги 50-60 см учта –тўртта ён шохи бор ва кичик дарахтчаларда 10-15тадан яшил мевалар мавжуд. Демак, In-vitro лабораториясида етиштирилган зайтун кўчатларни ҳосилга тезлик билан кириши келажакда катта имкониятларни очиб беради, дунёдаги энг қиммат ва талаби юқори, кам харажат зайтун мойларини ўзимизда етиштириш имкони бўлмади. Технологуларни маълумотига кўра, оддий сиқиб йўли билан олинган зайтун мойи мева мойи ҳисобланади ва уни рафинациялаш талаб этилмайди. Мойини мевадан сиқиб оласизда бирдагина овқат тайёрлашингиз мумкин бўлади, чунки унинг мойи таркибида инсон организми учун фойдали бўлган 104 та элемент мавжуд ва мутлақо зарарли моддалар сақламайди, шунинг учун зайтун мойи тозаланмайди, тўғридан тўғри истеъмол қилинади.

Зайтун мевасидан мойини қайта ишлашнинг технологик схемаси ва тавсифини икки хил усули мавжуд бўлиб, биринчиси оддийгина пишиб этилган қора тусга кирган зайтун мевалари тоза зайтун тош тегирмонда майдаланади, сўнггра тоза маҳсус қопларга қадоқланади ва экструдерда сиқиб йўли билан мой олинади. Филтрлаш, тиндириш ва бутилкаларга қуйишдан сўнг зайтун мойи олинади. Греklar ва Мисрликлар ҳали ҳамон ўзларнинг истеъмоли учун зайтун мойи олишганда мана шу усул билан мой олиб ўз ошхоналарида ишлатишади. Бу усулда олинган зайтун мойи экологик жиҳатдан энг тоза мой ҳисобланади.

Эндиги бизнинг асосий ишимиз нимадан иборат: энди мана In-vitro лабораториясида кўпайтирилган зайтун кўчатлари тезгина ҳосилга кирмоқда ва эндиликда зайтун майдонлари кўпаяди, бугунги кунда Сурхондарёда 60 гектар зайтун майдони мавжуд. Улар ҳам бу йил ҳосилга кирди, кейинги йил ҳосили янада кўпаяди. Энди уларни қайта ишлаб мойини сиқиб

оладиган мой олувчи цехларни ишга тушириши лозим бўлади. Собик Ёғ-мой уюшмаси лабораториясида аниқланишича бир килограмм зайтун мевасидан 20-22 кг соф зайтун мойини олиш мумкин

ХУЛОСА

Бугунги зайтунчиликда нима ишларни бажаришимиз керак:

Бу йилги 50 гектар майдонда ҳосил берган зайтун кўчатларидаги меваларни йиғиб олиб қайта ишлашни бошлаш керак. Бундан олдинги йилларда ҳам Биби Зайнаб қишлоғида ҳосил бериб турган 100 туп зайтуннинг меваларни қайта ишлашнинг иложи бўлмаган. Фарғонадаги “Меҳри гиё” фирмаси доривор ўтларга қўшиб дори ва дамламалар тайёрлаш учун фойдаландилар. Бу ташкилот зайтуннинг баргидан Кўк чой ва Қора чойлар тайёрлашиб кўпгина қон босими ва юрак қон томирлари хаста беморлар учун шифобаш маҳсулотларни етказиб бердилар. Ўзимизда етиштирилган зайтун меваларидан совуқ сиқиш йўли билан экологик тоза биринчи рақамли ўсимлик мойини олиб халқимизга арзон нархда етказиб беришимиз керак. Зайтун мевалари пишиб етилгандан сўнг дарахтда узок сақланиб турмайди, унинг мева бандлари нозикина бўлиб тезгина узилиб тушади, ва мевалари буришиб таркибида мой миқдори камайиб боради.

50 гектар майдонга зайтун кўчатларни эккан Боғдорчилик агентлиги республикадаги озиқ-овқат уюшмаси билан келишиб бугундан бошлаб зайтун мойини сиқиб оладиган мини заводларни олиб келиб ишга тушириш устида иш бошлаш керак. Кейинги йил Олтинсойдаги 50 гектар ва Бандихонда экилган 10 гектар майдондаги зайтунлар бари бирдек ҳосилга кириб қолади бу вақтда мой ажратиб олувчи завод керак бўлади.

3. Зайтун мевасидан консервалар тайёрлашни йўлга қуйиш керак. ахир шу меванинг таркибида 104 та инсон учун фойдали бўлган элементлар мавжуд. Зайтун мевалари яшил ва қора рангга кирганида йиғиб олиб консервалар тайёрланади, бунинг учун мини заводлар керак бўлади. Қора рангда зайтун меваларида мой кўп бўлганидан уни кўплаб еб бўлмайди. Таркибидаги элементларга қараб иккаласини истемол қилиш бир хилда фойдалидир. Бир туп зайтун дарахти 7-8 ёшга кирганида 45-55 кг зайтун мевасини териб олинади, 2021-2022 йилларда Биби Зайнаб қишлоғидаги бир туп зайтун дарахтидан 50 килодан кўпроқ зайтун меваларни териб олинди.

4. Зайтун мойи косметикада энг яхши экологик тоза маҳсулот. Ҳар қандай крем ва упалардан зайтун мойи яхшироқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёрматова Д.Ё., Хушвақтова Ҳ.С., Зайтун агротехникаси. Тошкент. Фан ва технология.2017.234 б
2. Ёрматова Д.Ё. Зайтун етиштириш усуллари. Тошкент. Фан ва технология.: 2025. 190-бет
3. Союнов П. Морозоустойчивые сорта и формы маслины в условиях Юго-Западного Туркменистана // Молодой ученый – 2011, – №9. 272-275 с
4. Союнов П. Механический состав плодов маслины в условиях Юго-Западного Туркменистана. «Молодой учёный», №9 (32) сентябрь 2011, 269-272 с
5. Шолохова В.А. Перспективы развития субтропических культур в Юго-Западной Туркмении. Ж. Сельское хозяйство Туркменистана, 1980, №10.
6. Шолохова В.А. Селекция маслины в Никитском ботаническом саду. Бюллетень ГНБС,1981, вып.